

**“Чор Россиясининг Хива хонлиги тарихига оид бўлган маънавий
ва моддий меросига муносабати”**

**“Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари” мутахассислиги
2-курс талабаси Қутлимуратов М.Ш**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Чор Россиясининг Хива хонлиги тарихига оид бўлган маънавий ва моддий меросига муносабати масаласига бағишланган, ва унда Ўзбекистонлик тарихшунос олим Б.В.Луниининг берган маълумотиغا кўра, Россия хазиналарига 1865 йилдан 1917 йилгача Ўрта Осиёдан (жумладан, Хива хонлигидан) 3000 та шарқ қўлёзмалари тушган. Туркистон, хусусан, хонликлар халқлари яратган бу қимматли асарлар ҳисобига ўз юртларининг қўлёзма ва архив фондларини бойитганлар. Петербург ва Москва музейлари ва кутубхоналарини дунёдаги энг йирик қадимий, нодир қўлёзмалар, ноёб буюмлар хазинасига айлантирдилар. Буларнинг ҳаммаси Туркистон халқлари маънавиятидаги энг катта йўқотишлардан ҳисобланади.

Россия империяси босқинчилик юришларининг асосий мақсади Ўрта Осиё хонликларини, жумладан, Хива хонлигининг моддий ва маданий мулкига, унинг табиий бойликларига эга бўлиш эди. Мазкур мақсадни амалга оширишда дастлаб шарқшунос Х.Френ, кейинчалик П.Лерх жонбозлик кўрсатганлар. Х.Френ Ўрта Осиёда мавжуд бўлган нодир қўлёзмалардан «Юз асарнинг тадрижий рўйхати»ни тузиб чиққан¹, П.Лерх эса Хива хонлигида қўлга киритиш мумкин бўлган нарсалар ҳақида махсус дастур ишлаб чиқиб, Туркистон генерал-губернаторига юборган². Тарихдан маълумки, Хива заргарлик буюмлари билан бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган. Заргарлар асосан хотин-қизлар учун турли хил зеб-зийнат буюмларини тилло ва

¹Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Б.362.

²Мазкур дастурни Рус география бўлими тузган ва у «Қўлёзмалар ва тангалар тўплами» деб номланган эди. Қаранг: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Б.362

кумушдан ишлаб, ўта нафис қимматбаҳо тошлар билан безатганлар. Шунингдек, заргарлар хон ва беклар учун тилло сопли пичоқ, қилич ва бошқа эсдалик буюмларини тайёрлаганлар³. Шу сабабли П.Лерх ишлаб чиққан дастурга кўра хонликдан асосан қўлёзма китоблар қаторида хон тангалари, тахти, муҳрлар, туркман гиламлари, ўймакорлик билан ишланган мис асбоблар, эгар-жабдуқлар, айниқса қимматбаҳо тошлар билан безатилган қилич, пичоқ ва бошқа осори-атиқаларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги кўрсатилган. Ушбу дастурга таянган рус генераллари, офицер ва аскарлари ўзлари истаганларидек тажовузона сиёсат олиб боришган. Бу ҳақда Г.Чабровнинг маълумотига кўра, қимматбаҳо нарсаларнинг анча қисми юриш қатнашчилари томонидан ўғирланган ёки сотиб юборилган. Айниқса, аёлларнинг қимматбаҳо қадимий безак буюмлари вазнига қараб ҳар бир қадоғи 25 кумуш рублдан пулланган.

Юқорида кўрсатилган дастурга кўра, Петербург Эрмидажида ташкил қилинган нумизматика фондлари ҳам Хива хонлари зарбхоналаридан олиб кетилган олтин, кумуш, мис пуллар ва уларнинг қолиплари ҳисобига бойитилди. 1883 йил Эрмидажга жўнатилган ўлжалар ичида 25 та хон муҳри, 200 дан ортиқ қадимий олтин, кумуш ва мис тангалар бўлиб, булар Хивадаги 30дан ортиқ хон сулоласининг пуллари эди⁴. А.Кун ўзининг «Хива хонлигига юриш» асарида кўрсатишича, Хивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200 нусха штампни, муҳрлар боғламини, хон тахтини, 172 нусха Жўчи тангаларини, Қўнғирот сулоласидан бўлган Хива хонларининг 3 нусха тангасини ҳамда этнографик аҳамиятга эга бўлган аёллар ва болалар кийим-бошлари, кўплаб тилла ва кумуш безаклар олиб кетилган⁵.

Хива хонлигидан фақат маданий ёдгорликлар, етук санъат намуналари талон-торож қилинибгина қолмай, балки халқнинг асрлар оша асраб, сақлаб келаётган хоннинг катта кутубхонасидаги халқ мулки ҳисобланган нодир тарихий, бадий, ахлоқий, илмий асарлари Россияга, аниқроғи Санкт-

³История ХХСР 1920-1924гг. Сборник документов. – Т., 1926. – Б.189.

⁴Фан ва турмуш.// 1991.–№ 9.

⁵ Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – С.31.

Петербургга олиб кетилди. Бу топшириқ Туркистон генерал-губернатор хузуридаги маслаҳатчи шарқшунос Александр Кун томонидан амалга оширилди. Бу ҳақда А.Кун ўзининг «Хива хонлигига юриш» асарида Хивадан талаб кетилган қимматли буюмлар рўйхати ва нималар Петербург музейларига жўнатилганини кўрсатган⁶. А.Кун шарқ қўлёзмалари ва хужжатларидан иборат 300 та китобни, шулардан: 129 таси 140 жилддан иборат тарихий асарлар, 20 та муаллифнинг 30 жилдлик асарлари орасида Низомий Ганжавий асарлари қўлёзмаси, «Тарихи Восифий», «Искандарнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»си, Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асари, «Қуръон тафсири», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асари, «Достони Қосим ва Гўрўғли», Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асари ва араб, форс, ўзбек тилларидаги бошқа асарлар бўлган, фикҳ ҳамда илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилддан иборат 40 та асар, 18 нусха «Қуръон» ва 90 та дарсликни 1873 йили император кутубхонасига топширган⁷.

Шунингдек, Хивага юриш чоғида иштирок этган ва бу талон-торожликни ўз кўзи билан кўрган тарихий гувоҳ, америкалик журналист Мак Гахан Хива хон саройи хазинасини тасвирлаб ёзар экан, у ердаги ноёб буюмлар ҳақида ва уларнинг таланиши тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, мазкур маълумотда ҳарбий буюмлар қаторида шу ерда сочилиб ётган қўлёзма китоблар ва уларнинг олиб кетилиши тўғрисида хабар бериб, «Кўпгина китоблар ажойиб ва қимматбаҳо экан, уларнинг ҳаммаси қўлёзма, баъзилари эса ажойиб бир маҳорат билан ёзилган, чарм ишланган муқоваларда эди. Шу китоблар ичида бири жаҳон тарихига яна бири Хиванинг қадимги тарихидан бошлаб ҳикоя қилувчи китоб. Уларнинг ҳаммаси Санкт-Петербургдаги Император Халқ кутубхонасига жўнатилди»⁸ - дейди.

⁶ Содиқова Н. Талон-торож қилинган мулк . // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991йил. 19 июль.

⁷ Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – С.31. (А.Кун томонидан тузилган рўйхат Россия ФА Археология институти СПб., бўлими архивида сақланар экан (33-фонд, 1 рўйхат, 179-иш, 1 варак).

⁸ «Многие из книг, как я слышал от г. Куна, ориенталиста экспедиции, были очень любопытны и ценны; все они были в рукописях, некоторые даже писаны с артистическим изяществом, и в кожаных переплетках. В

Россиянинг хонликларда олиб борган босқинчилик сиёсати натижасида руслар тахмин қилганларидан ҳам кўпроқ маданий меросга эга бўлдилар. Бухоро амирлиги, Қўқон, Хива хонликларида яратилган нодир қўлёзмалар, хон архив ҳужжатлари дунё музейларини тўлдирди. Буни 1874-1916 йилларда Россиянинг Осиё музейига рус олимлари томонидан олиб келинган қўлёзмалар мисолида кўриш мумкин. Хусусан, В.Бартольд 20 та, В.Вельяминов-Зернов 19 та, Н.Веселовский 3 та, В.Вяткин 6 та, Д.Граменицкий 18 та, И.Десницкий 7 та, К.Залеман 105 та, И.Зарубин 11 та, В.Игнатъев 8 та, А.Калмиков 4 та, Карташов 1 та, А.Кун 85 та, С.Лапин 1 та, П.Лерх 32 та, Поспелов 8 та, Скайлер 1 та, С.Смирнов 3 та, Мезонов 1 та, А.Миллер 1 та, Мишутушкин 1 та, Н.Пантусов 1 та ва бошқа кўпгина кишилар Туркистон ўлкасидаги хонликлардан олиб кетган қўлёзмаларни топширишган. Энг кўп қўлёзма В.Иванов томонидан (605 та) олиб кетилган⁹. Шу ўринда ушбу тарихий далилни ҳам келтириб ўтишни лозим топдик. Туркистон генерал-губернатори К.Кауфманнинг ўзи Хива хонлигидан тортиб олинган 329 та нодир ёдгорликни Россия Фанлар академиясининг Осиё музейига ва Эрмитажга совға қилган¹⁰.

Ўзбекистонлик тарихшунос олим Б.В.Луниннинг берган маълумотиغا кўра, Россия хазиналарига 1865 йилдан 1917 йилгача Ўрта Осиёдан (жумладан, Хива хонлигидан) 3000 та шарқ қўлёзмалари тушган¹¹. Туркистон, хусусан, хонликлар халқлари яратган бу қимматли асарлар ҳисобига ўз юртларининг қўлёзма ва архив фондларини бойитганлар. Петербург ва Москва музейлари ва кутубхоналарини дунёдаги энг йирик қадимий, нодир қўлёзмалар, ноёб буюмлар хазинасига айлантирдилар.

числе этих книг была одна — Всемирная История, и одна — История Хивы, начиная с древнейших времен. Все они были отправлены в С.-Петербургскую Императорскую Публичную Библиотеку». Мак-ГаханЯнуарийАлоизий / MacGahan, JanuariusAloysius Военные действия на Оксусе и падение Хивы «Военная литература»: militera.lib.ru [— С. 182]

⁹Қаранг: Кормилицын А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. — Т., 1993. — С. 57.

¹⁰Тарихшоҳидлигивасабоқлари. — Б. 366 вакейингилари.

¹¹Лунин Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. — С.196; Тарихшоҳидлигивасабоқлари. — Б. 367.

Буларнинг ҳаммаси Туркистон халқлари маънавиятидаги энг катта йўқотишлардан ҳисобланади¹².

¹²Эрназаров Ф. Қўрсатилганасар. – Б. 52.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Хива шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Т. 6 - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Абдурасулов А. Хива (Тарихий – этнографик очерклар). –Урганч, 1997.
4. Аминов Ҳ. Қўнғирот сулоласи даврида кутубхоналар // Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2007; Шу муаллиф. Хоразмда ишланган муқовалар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006. – № 3.
5. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Мерос. – Т.:Камалак. 1991.
6. Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
7. Веселовский Н.И.Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. – № 5364/III., – 404 ^а.
8. Веселовский Н.И.Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. СПб. 1877.
9. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Т.: ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлғизмалар институти, 1996; Шу муаллиф. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – №3-4.
- 10.Воҳидов Ш., Сабурова С. Хива хонлигида унвон ва мансаблар ва улар эгаларининг вазифалари (XIX-XX аср бошларида) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. – №3.
- 11.Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиё давлатлари бошқарув тарихидан. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
- 12.Гришфельд В., Галкин М.Н. Военного – статистическое описание Хиванского оазиса. Ч 11. Т., 1903.
- 13.Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. ЗРГО кн. – СПб. 1851.
- 14.Жумахужа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. – Т.: Фан, 1995.

- 15.Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. // ВС. 1861. – № 11.
- 16.Иванин М.И.Сведения о Хивинском ханстве. //Мануфактура и торговля. – №4. 1843.
- 17.Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. Л.: Изд. Гос.публ. библиотеки. 1940.
- 18.История Хорезма.– Т.: Фан, 1976.
- 19.История ХХСР 1920-1924гг. Сборник документов. – Т., 1926 .
- 20.Кормилицын А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. – Т., 1993.
- 21.Костенко Л. Город Хива в 1873 году. Туркест. Сборн. Военный сборник – №3. – СПб., 1873.
- 22.Қўшжанов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. Т.: Abu Matbuot-konsal.
- 23.Лобачевский В. Хивинский район. Т., 1912.
- 24.Мак-Гахан Януарий Алоизий / MacGahan, Januarius Aloysius Военные действия на Оксусе и падение Хивы «Военная литература»: militera.lib.ru
- 25.Мак-ГаханЯнуарий Алоизий MagGahan,JanuariusAloysiusВоенные действия на Оксусе и падение Хивы. Соч. Мак Гахана.- М.В.Университетской типографии (Катков и К). 1875.
- 26.Маънавият юлдузлари. Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар. –Т.: А.Қодирий , 1999.
- 27.Мирзарахимов А. Хоразмда илк нашрлар // Мозийдан садо. 2008. – № 1.
- 28.Муравьёв Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву 1819- 1820 г. гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьёва. Посланного в сию страну для переговоров.Ч.1-2.М., 1822.
- 29.Нозилов Д. А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Т.: Фан, 2005.
- 30.Огаҳий. Риёз-уд давла. Асарлар. V жилд. Т., 1978.
- 31.Полвонниёз Хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи. – Урганч, 1999.